

“О‘ЗВЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЙОТШУНОСЛИГИ ТАРАQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ТУМАНЛАРИДАГИ АЙРИМ ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ ХУСУСИДА

Хамза Алламбергенов

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Ўзбек адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

E-mail: hamzaallambergenov1@gmail.com

Аннотация: Уибу мақолада Қорақалпогистон Республикасининг жанубий туманларида яшовчи аҳоли орасида фаол қўлланилиб келаётган, халқ орасидан ёзib олинган мақол жанри намуналарининг мазмун-моҳияти, генетик, типологик хусусиятлари таҳдилланган.

Калим сўзлар: халқ мақоллари, Қорақалпогистон, жанубий туманлар, моҳият, генезис, меҳмондорчилик.

Аннотация: В данной статье анализируются содержание, генетические и типологические особенности зафиксированных в народе пословиц, которые активно используются среди населения, проживающего в южных районах Республики Каракалпакстан.

Ключевые слова: народные пословицы, Каракалпакстан, южные районы, сущность, генезис, гостеприимство.

Abstract: This article analyzes the content, genetic, and typological characteristics of proverbs recorded among the people, which are actively used among the population living in the southern districts of the Republic of Karakalpakstan.

Key words: folk proverbs, Karakalpakstan, southern districts, essence, genesis, hospitality.

Оғзаки ижоди намуналари ҳар миллатнинг дунёда мавжудлигини, унинг маънавий оламини, бадиий ижод дурдоналарига сингиб кетган орзу-армонларию қувончу шодлигини, фикрлаш тарзини, дунёқарашини, ўтмиши ва бугунини ўзида ифоловчи бебаҳо хазинадир. Миллий қадриятимизга айланиб улгурган фольклор намуналари бугунги технологиялар ривожланган даврда ҳам ҳамон яшаб келмоқда. Хусусан, халқнинг узоқ асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, бадиий тафаккури, хулоса сўзлари маҳсули бўлмиш мақол жанри бугун ҳам ҳар доимгидек фаол. Зотан «мақоллар халқнинг доно тажрибалари асосида яратилиб, уларнинг негизида ҳар бир айтилмоқчи бўлган фикрга нисбатан ибраторуз фикр-хулоса ётади» [Рўзимбоев: 2007, 27].

Халқ мақолларини тўплаш, унинг мазмуни, бадиий, генетик ва хос хусусиятларини ўрганиш борасида ўзбек фольклоршунослиги бир қатор ютуқларга эришган. Аммо ҳали ҳам халқимиз орасида мазкур жанрнинг оҳори тўкилмаган, не-не бадиий асарларга қўрк бўла олишга арзигулик нодир намуналари мавжуд. Жумладан, Қорақалпогистон Республикасининг жанубий

“О‘ЗВЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЙОТШУНОСЛИГИ ТАРАQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

худудларида – Амударё, Беруний, Элликқалъя, Тўрткўл туманларида яшовчи, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларида гаплашувчи аҳоли орасида паремиологик бирикмалардан жуда фаол фойдаланилади. Чунки «инсон ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларнинг чеки йўқ экан, мақоллар мазмуни чегарасини ҳам ўлчаб бўлмайди. Майший ҳаётдаги кичик бир эътиборга арзимайдигандек кўринувчи лавҳадан тортиб чуқур фалсафий мушоҳада ифодасигача мақоллар мазмунида ўз аксини топган». [Мирзаев ва б.: 2020, 202]

Масалан, одатда келинларга нисбатан айтиладиган «**Ўти билан кириб кули билан чиқ**» (Ўти билан кирип, кули билан чиқ – айтuvчи А.Исмоилова, 77 ёшда, Амударё тумани) мақоли икки маънони ўзида ифодалайди. Биринчидан, ҳар қандай ҳолатда шу оиланинг бир қисми сифатида иш кўр, етишмовчилик бўлган пайтларда ҳам, қийин, мушкул кунларида ҳам бирдам бўл маъносида. Иккинчидан, оилавий ишларда, ҳаёт машаққатларида чаққон ва эпчил бўлиш маъносида. Мақол таркибидаги сўзлар кўчма маънода қўлланилган бўлиб, келиннинг янги хонадоннинг бир умрлик аъзосига, оиланинг бир қисмига айланишини ният қилиш баробарида янги ҳаётнинг бошланиши (олов бўлиб ёниб) ва шу уйда томир отиб, бола-чақали бўлиб умргузаронлик қилиши (кул бўлиб чиққуни) гача бўлган ҳолатни ифодалайди. Фольклоршунос устоз Тўра Мирзаевнинг уқтирганидек, «мақоллар кўп асрлик ҳаётий тажрибалар, доимий кундалик кузатишлар хулосасини тугал фикр тарзида қатъий қутбийликда ифодалар экан, уларда ҳар бир сўзнинг маъно хилма-хиллиги, ибораларнинг турғунлиги, шаклий барқарорлик устунлик қиласи. Аммо қўлланиш ўрнига қараб уларнинг маъно доираси доимий равишда кенгайиб боради. Шунинг учун ҳам мақолдаги ҳар бир сўзга алоҳида эътибор бериш керак» [Мирзаев: 2005, 5]. Шу маънода, ушбу мақол таркибида ишлатилаётган сўзлар ҳам мазкур паремиологик бирликнинг илдизи халқнинг қадим эътиқоди – зардуштийлик билан боғлиқ қарашларига ишора қиласи. Ўт ва кул сўзларининг қўлланиши, инсоннинг умр якунида кулга айланиши фикримиз далилидир. Бу эса мақолнинг қадимийлигини ҳам далолатлади.

«Алдагани бола яхши, Худо урсин қарини» (Алдамага бала яхши, Кудай урсин қаррини – айтuvчи А.Исмоилова, 77 ёшда, Амударё тумани) мақоли кичик ёшдаги болаларга нисбатан ишлатилади. Яъни йиғлаётган ё хархаша қилаётган болани қизиқарли ҳаракатлар, бирор янги ўйинчоқ эвазига ёки ширин сўзлар орқали хафалиқдан чалғитилса, бундан қувониб кетган оналар ёки чақалоққа қараётган киши тилдан ишлатилади. Ёши катта одамни эса алдаб бўлмайди. Уни фақат худо йўлга солиши, кўнглига инсоф бериши мумкин. Шунинг учун ҳазил тариқасида мақолнинг қолган қисми ҳам юзага

“О‘ЗВЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЙОТШУНОСЛИГИ ТАРАQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

келган. Мазкур мақолнинг Тўрткўл, Элликқалъа туманларидағи ўғуз лаҗжасида гаплашувчи айрим аҳоли орасида эса фақат бир қисми – «Алдамака боло яхши» шакли ҳам қўлланилади.

«Бирор эди ҳангилим, икков бўлди шангилим» (Бириу еди ҳангилим, екау бўлди шангилим) мақоли битта ташвишининг устига яна бир ташвиш қўшилганида ёки оилада ёлғиз бола бор бўлса, унинг ёнига қариндошларданми, қўшниларданми яна биронтаси қўшилиб шовқин қилсалар, ана шу пайтда ишлатилади. Мақол таркибидаги ҳангил сўзи, фикримизча, ҳанграмоқ (шовқин солмоқ) сўзи билан алоқадордир. Шангил эса Қорақалпоғистон Республикасининг қипчоқ лаҗжасида гаплашувчи аҳолиси орасида сув ичадиган идиш маъносида ишлатилади. Темирдан ишланган мазкур буюм (кейинги вақтларда пластмассадан тайёрланган шаклларига нисбатан ҳам қўлланилади) бехосдан қўлдан тушиб ёки иккитаси бир-бирига тегиб кетса шангиллаган овозга ўхшаш шовқин кўтарилади. Ана шу хусусиятлар ушбу сўзларнинг мақол таркибидан жой олишига замин яратган.

«Борганинг болтаси, келганинг халтаси» (Барғанинг балтаси, кеганинг қалтаси) мақоли кимдир бирон томонга кетмоқчи бўлса унга эргашиб кетаверадиган одамларга, асосан, оиладаги кичик ёшли фарзандларга нисбатан айтилади. Чунки меҳмондўст ва болажон халқимиз одатда яқин қариндошларникига меҳмонга ёш болаларини ҳам биргалиқда олиб боришади. Баъзан эса улар уйда қолиши керак бўлган ҳолатларда харҳаша қилишади. Ана шундай ҳолатларда ушбу мақол қўлланилади. Мақол Қорақалпоғистон Республикасининг турли ҳудудларида турфа вариантлар билан ишлатилади. Жумладан, «Борганинг болдизи, келганинг янгаси» (Барғанинг балдизи, кеганинг женгаси – Амударё туманида, Барғани болдизи, қайтқани енгаси – Элликқалъа туманида), «Борганинг болтаси, келганинг ўроғи» (Барғанинг балтаси, кеганинг ўроғи – Беруний туманида) тарзида қўлланилади.

Одатда уйланиш арафасида турган йигитларга нисбатан айтиладиган «Эр йигитнинг олдидан етти дурқун қиз ўтар» («Ер жигиттинг алдинан жети дуркин қиз ўтар») мақоли тенги топилиб қолар, бу қиз бўлмаса, бошқа қизга уйлантирамиз маъносида ишлатилади. Баъзан эса йигитнинг онаси ёки яқинларига юпатиш мақсадида ҳам айтилади.

«Яхши хотин уй тузар, ёмон хотин бўй тузар» («Яхши қатин уй тузар, жаман қатин бўй тузар – айтuvchi Айша Исмоилова, Амударё тумани, 77 ёшда). Яъни, яхши аёл уйига қарайди, керакли жиҳозларини олади, уни авайлайди, ёмон аёл эса, фақат кийим олаверади, эрининг топганини устига суртади, уйимга бўлсин демайди, маъносида ишлатилади.

“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

«Ўтин чопган болта ташқарида қолади» (Ўтин чапқан балта далада қалади) мақоли ҳамма зарурий ишларни бажарган, лекин оқибатда, масалан, таом пишганида, мукофотланганда қуруқ қолган одамга нисбатан айтилади.

«Йўли бўлар йигитнинг янгаси чиқар олдидан» мақоли эса бирон ишга киришганида бирдан иши ўнгидан келган, омад кулиб боққан ёки кутганидан кўра яхшироқ натижага эришилган пайтда ишлатилади. Мазкур мақол Қорақалпоғистоннинг «ж»ловчи ўзбек шеваларида «Жўли бўлар жигиттинг женгаси чиғар алдинан» шаклида қўлланилади.

Қорақалпоғистоннинг жанубий туманларида, айниқса, меҳмондорчилик билан боғлиқ халқ мақоллари жуда фаол қўлланилади. Жумладан, меҳмонни фақат сўз билан эмас, балки ош-овқат билан ҳам эъзозла маъносидаги «**Минг сиз-биздан бир жиз-биз яхши**», тўй-томушаларга кечроқ борилганда, тўй қозонида таом қолмаган бўлса – «**Тўйга борсанг, тўйиб бор**» (Тўйға барсанг тўйип бар), агар мезбон меҳмондан юқорироқ ўтириб қолса – «**Тентак тўрин бермас**», кутилаётган қўноқقا ундан ейсизми, бундан ичасизми деб сўрайверилса – «**Сўраб бергунча уриб бер**» (Сўрап берганче урип бер) мақоли, агар дастурхонга шўрва ҳам тортилиб қолса, уни ичишга ундаш мақсадида – «**Эт этга, шўрва бетга**» (Ет етка, шўрпа бетка) мақоли, таомланиб бўлиб, қўллар ювдирилгандан сўнг бир тин олиб – «**Тўйдик – ёмонликни қўйдик**» (Тўйдик – жаманлиқти қўйдик) мақоли, охирида мезбон нимадир илтимос қилиб қолганида ноилож қолган одамлар томонидан – «**Еган оғиз уялар**» (Жеган ауиз уялар) мақоли, уйга кутилмаган пайтда бирор келиб қолса, ёши катталар томонидан кичикларга насиҳат мазмунида, сен қийналма, унинг ҳам ризкини Худо етказади маъносида «**Мехмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан**» (Мийман келар ешиктан ризқи келар тешиктан) каби мақоллар ишлатилади. «Сахро ўғлони бундай «оталар сўзи»ни ҳамма вақт юзига жиддий тус киритган ҳолда тинглайди. Мақол маъносига зид бўлган ҳеч қандай оқилона гап, ҳеч қандай инонтирувчи сўз унинг фикрига таъсир қила олмайди, ... аждодлар ва улар қолдирган ҳикматларнинг донолик билан айтилганига, нотўғри айтилмаганига астойдил, қаттиқ ишончидан бошқа ҳеч бир нарсада бунчалик кучли тарзда намоён бўлмайди. [Шомақсудов, Шораҳмедов: 1990, 8] Тўғри, Қорақалпоғистонда оғзаки тарзда фаол қўлланилиб келаётган халқ мақолларининг аксарияти мамлакатимизнинг турли бурчакларида, ҳатто умумтуркий адабий ҳодиса сифатида бир нечта вариантлари билан ишлатилади. Бироқ шу ҳудуддагина сақланиб қолган, хос бўлган, шаклланиш даври бир неча асрларга баробар бўлган туркий «ота сўzlари» ҳам учрайди. Устоз Охунжон Сафаровнинг санаб кўрсатганидек, «мақолларда ўша халқнинг қалби, миллий

“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

табиатига хос қарашлари ифодаланса-да, улардаги ғоя умумхалққа тегишилидир. Шу хусусиятига кўра, мақоллар ҳам миллий, ҳам умуминсоний моҳият касб этган» [Сафаров: 2010, 291].

Умуман, ҳалқ мақолларини узоқ асрлардан бери кучли дидактик вазифа бажариб келмоқда. Бу жанр намуналари ёши катталар томонидан кичикларга ўгит беришда, уларни ҳаётга тайёрлашда, турмушнинг тушунилиши мураккаб ҳолат-вазиятларини осон уқтиришга бемисл ёрдам берган. Шу боис фольклоршунос олим К.Имомовнинг таъкидлаганидек, «ҳар бир жанрга алоқадор асарни ёритиш, генезисини аниқлаб, поэтик трансформациясини белгилаш унинг пайдо бўлиши, шаклланиш, айни пайтда эволюциясини кашф этиш имконини беради... » [Имомов: 2008, 4] Бу эса кейинги авлод вакиллари олдида турган навбатдаги масалалардан ҳисобланади. Ҳар бир ҳудудга хос оғзаки ижод намуналарини ёзиб олиш, жанрий хусусиятларини асослаш, таълим тизимида ўргатишга оид илмий-методик технологияларини ишлаб чиқиши ниҳоятда муҳимdir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Mirzayev T. So‘zdan so‘zning farqi bor / O‘zbek xalq maqollari (Tuzuvchilar: T.Mirzayev, A.Musoqulov, B.Sarimsoqov; Mas’ul muharrir: Sh.Turdimov. – Toshkent: Sharq, 2005.
2. Mirzayev T., Turdimov Sh., Jo‘rayev M., Eshonqulov J., Tilavov A. O‘zbek folklori. – Toshkent: Tafakkur bo‘stoni, 2020.
3. Safarov O. O‘zbek xalq og‘zaki ijodi. – Toshkent: Musiqa, 2010.
4. Имомов К. Ўзбек ҳалқ насли поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008.
5. Рўзимбоев С., Рўзметов Ҳ. Фольклор атамалари қисқача луғати. – Урганч, 2007.
6. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома (Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати). – Тошкент, 1990.
7. Kamolovich, A. N. (2018). Some Scientific Observations About Unnatural Symbols in the Folklore. ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies, 7(6), 73-79.
8. Allambergenov, H. (2023). Innovative ways to teach the life and work of Rashod Nuri Guntekin in literary education. The Peerian Journal, 18, 25-29.